

**Овоз режиссёрлиги фанларини  
ўқитишда жаҳон мамлакатлари  
таълим тизимини татбиқ этиш**



- ❖ **ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази**
- ❖ **“Техноген санъати (турлари буйича)”**
- ❖ **Доцент в.б. Атабаев З. Ж.**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси мажмуаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 25 августдаги 391--сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “Театр санъати” факультети, “Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати” кафедраси ўқувчиси

З. Ж. Атабаев

**Такризчилар:** И. М. Мелиқўзиев – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати” мудири, профессор.

А. Мирзаев – Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти.

## МУНДАРИЖА

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>5</b>
<b>II.</b>	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>15</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>22</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>53</b>
<b>V.</b>	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>57</b>
<b>VI.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>59</b>
<b>VII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>73</b>

# І. ИШЧИ ДАСТУР

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли, 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–6000-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон, 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4068-сон, 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4584-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш,

масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- “Техноген санъати (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- “Техноген санъати (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- техноген санъати фанини ўргатишда, замонавий технологияларни қўллашни;
- овоз ёзишда илғор компьютер технологиялар моҳиятини;
- аудиовизуал индустрия ва маркетинг тадқиқотларини;
- овоз режиссёрлиги ихтисослиги бўйича тахсил олаётган талабаларни театр асарларини овозлаштиришда, томошабинларга тўғридан-тўғри овоз етказиш жараёнини;
- овоз режиссёрлиги соҳаси фанларини ўқитишда рақамли технологиялардан фойдаланиш усулларини *билиши* лозим.

#### **Тингловчи:**

- замонавий техника ва акустикаси муносабатлари ҳамда бунда овоз режиссерининг касбий маҳоратини юқори босқичга кўтара олиш;
- арт маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;
- театр асарларини намоёниш этилган жараёнида дуч келадиган акустик ва техник муаммоларни жойида ҳал этишда замонавий педагогик технологиялар ердамида фойдалана билиш қобилиятини шакллантириш;
- техноген санъат фанларини ўқитишда хорижий мамлакатлар ўқув тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда овоз режиссёрлиги соҳасида илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
- компьютердан тез ва унумли фойдаланиш, турли дастурлардаги виртуал микшерларда кириш – чиқиш каналлари ва монитор тизимларидан фойдаланиш;
- овоз ёзиш ва созлаш технологиялари таъминоти тизимидаги бошқа ишлаб чиқарувчиларни жалб қила олиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологияларни қўллаш;
- овоз ва шовқин билан ишлашда замонавий техник таъминотни танлай олиши;
- замонавий рақамли тасвирга олиш камералари ва микрофонларни тасвирга олишга тайёрлаш;
- кўргазма қуролларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- маркетинг тадқиқотларини молиялаштиришнинг замонавий шаклларида фойдаланиш;
- овоз студияларини стратегик бошқариш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- овоз режиссёрлиги соҳаси фанларини ўқитишда илғор инновацияларни қўллаш;
- техноген санъатида замонавий инновацион овоз ёзиш технологиясидан фойдаланиш;
- замонавий рақамли тасвирга олиш техникаларини тасвирга олиш майдончаларида қўллаш;
- визуал компонентларининг яратилиш тарихи, тараққиёти, замонавий инновацияларни ўқув дарсларини кетма-кетликда тингловчига етказиш;
- кинематографияни молиялаштиришнинг хорижий тажрибасини таълим тизимига қўллаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда жаҳон мамлакатлари таълим тизимини татбиқ этиш”** курси назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий дирижёрлик асарларидан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда жаҳон мамлакатлари таълим тизимини татбиқ этиш”** модули мазмуни ўқув режадаги “Театр асарларини овозлаштиришнинг замонавий инновацион технологиялари”, “Арт менежмент” ва томоша санъатлари ва овозлаштириш соҳасида креатив тадбиркорлик ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида маданият ва санъат соҳасида таҳсил олаётган талабаларга дарс ўтиш



жараёнларида замонавий услубларни қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	Жумладан			
				Назарий	Амалий машғул	Кўчма машғул	
1.	Овоз режиссёрлиги санъати. Овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар	4	4	4			
2.	Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси.	4	4	4			
3.	Овоз режиссёрлиги фани хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.	2	2		2		
4.	Овоз режиссёрлиги маҳорати фанларида яқка машғулотларни такомиллаштириш усуллари.	2	2		2		
5.	Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Овоз режиссёрлиги санъати фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш.	2	2			2	
6.	Овоз режиссёрлиги маҳорати фанларидан мустақил таълим машғулотларини ташкил этиш методикаси.	2	2			2	
<b>Жами:</b>		<b>16</b>	<b>16</b>	<b>8</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Овоз режиссёрлиги санъати. Овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар. (4 соат)**

Овоз режиссёрлиги санъатининг ривожланиш тарихи. Томоша санъатлари ривожланишида овоз режиссёрлигининг тутган ўрни. Экран санъати тараққиёти. Овоз режиссёрлиги мутахассислик фанларини ўқитишда замонавий технологияларнинг тутган ўрни. Замонавий технологияларни қўллашда техник ускуналардан фойдаланиш усуллари.

### **2-мавзу: Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси. (4 соат)**

Очиқ дарсларни ташкил этиш. Очиқ дарсларни ўтказишда замонавий техник асбоблардан фойдаланиш. Дарслик ва электрон дарслик яратиш методикаси. Электрон ўқув қўлланмалар яратиш услуги.

Ушбу мавзу бўйича тинглаовчилар мутахассислик фанлар бўйича яқка дарсларни ташкил этишда инновацион усуллардан фойдаланиш усулларида фойдаланишни, яқка дарслар самарадорлигини ошириш мақсадида овоз режиссёрлари иш услублари билан алоҳида ишлаш бўйича тажриба орттиришади.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Маърузадан сўнг режалаштирилган амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси доирасида тузилган мавзулардан иборат бўлади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълимда режалаштирилмаган амалий машғулотлар қуйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган таркатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча

воситалар орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

**1-амалий машғулот: Овоз режиссёрлиги фани хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. (2 соат)**

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар хорижий адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш, уларни таҳлил қилиш, ижодий жараёнларда орттирилган тажрибаларига таққослаш ва келиб чиққан хулосалар асосида ўқув жараёнларини ташкил этиш услубларини ўзлаштирадидилар.

**2- амалий машғулот: Овоз режиссёрлиги маҳорати фанларида якка машғулотларни такомиллаштириш усуллари. (2 соат)**

Тингловчилар “Овоз режиссёрлиги маҳорати” фанидан якка дарсларни ташкил этишусулларини, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида овоз режиссёрлари фаолоият юритадиган жойларга олиб бориш ва овоз режиссёрлиги йўналишларининг алоҳида ўзига ҳос хусусиятларини ўргатиш усуллари билан танишадилар. Кино, театр, телевидение, радио ва оммавий томошалар майдонларидаги замонавий техника ва технологияларни тадбиқ этиш усуллари ўрганадилар.

Талаба якка амалий ёзувларини якуний рейтингда тақдим этиб боради ва бу амалий иш назарий билимлар билан биргаликда баҳолашиб борилади.

Талабаларда ижодий иш мавзуларини мустақил равишда танлаш кўникмасини шакллантириш. Талабалар билими намойиш этилган ижодий ишга қараб баҳоланади. Ижодий ишни баҳолашда унинг савияси, ғояси, қай даражада ёндашилганлиги, парчанинг замон талабларига жавоб бериш даражаси инобатга олинади. Инновацион педагогик технологияларнинг ФСМУ методи, ассисмент методи, инсерт методи, Венн диаграммаси каби методларидан фойдаланиш.

**КЎЧМА МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Ушбу мавзу бўйича тинглаовчилар мутахассислик фанлар бўйича якка дарсларни ташкил этишда инновацион усуллардан фойдаланиш усулларидан фойдаланишни, якка дарслар самарадорлигини ошириш мақсадида овоз

режиссёрлари иш услублари билан алоҳида ишлаш бўйича тажриба орттиришади.

**1-кўчма машғулот: Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Овоз режиссёрлиги санъати фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш. (2 соат)**

Талаба якка амалий ёзувларини яқуний рейтингда тақдим этиб боради ва бу амалий иш назарий билимлар билан биргаликда баҳоланиб борилади. Талабаларда ижодий иш мавзуларини мустақил равишда танлаш кўникмасини шакллантириш. Талабалар билими намойиш этилган ижодий ишга қараб баҳоланади. Ижодий ишни баҳолашда унинг савияси, ғояси, қай даражада ёндашилганлиги, парчанинг замон талабларига жавоб бериш даражаси инобатга олинади. Инновацион педагогик технологияларнинг ФСМУ методи, ассисмент методи, инсерт методи, Венн диаграммаси каби методларидан фойдаланиш.

**2-кўчма машғулот: Овоз режиссёрлиги маҳорати фанларидан мустақил таълим машғулотларини ташкил этиш методикаси. (2 соат)**

Овоз режиссёрлиги маҳорати бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, замонавий инновацион технологиялари ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган.

Мустақил таълим тингловчиларнинг фан доирасидаги билимларини янада чуқурлаштиришга, мустақил равишда янада ривожлантиришга яқиндан ёрдам беради, жумладан, санъатга оид илмий манбалар устида илмий тадқиқотлар олиб боришни ривожлантириш, миллий ва жаҳон кино мактаблари ва йўналишлари ютуқларини таҳлил қилиш, бадиий тафаккур маданиятини ва бутунги куннинг санъат амалиётини танкидий ёндошув орқали ўзлаштириш малакасини шакллантириш. Фаолиятнинг бу тури – топшириқларнинг куйидаги рўйхатини қамраб олиши мумкин: ўқув дастурига киритилмаган айрим масалаларни назарий жихатдан мустақил тадқиқ этиш, кенг камровли амалий материални мустақил таҳлил этиш, танкидий таҳлил, овоз режиссёрлиги санъатини тушуниш ва хоказолар.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича куйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

#### **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиладилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказди. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- олий таълим тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ва директив ҳужжатларни, олий таълим давлат таълим стандарти, классификатор, малака талаблари, шунингдек, ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастурини такомиллаштириш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;

- бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методларни қўллаш, шунингдек, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш, ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари асосида ташкил этиш, ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ташкиллаштириш;

- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти; талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари,

мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **II. МОДУЛНИ ўҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод



дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш</li> </ul>

### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари**

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)**
- 2. “Монна-Лиза” портретини ишлашда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)**

**Кейс.** Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қаҳрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

-

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг


- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Тарихий ёки маиший мавзудаги кўпқоматли композиция асарининг ғояси”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёниш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга куйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

➤

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
----------	--------	--------	--------

“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

## III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу: Овоз режиссёрлиги санъати. Овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар (4 соат).**

##### **РЕЖА**

- 1.1 Овоз режиссёрлиги санъатининг ривожланиш тарихи. Томоша санъатлари ривожланишида овоз режиссёрлигининг тутган ўрни.
- 1.2 Экран санъати тараққиёти.
- 1.3 Овоз режиссёрлиги мутахассислик фанларини ўқитишда замонавий технологияларнинг тутган ўрни.
- 1.4 Замонавий технологияларни қўллашда техник ускуналардан фойдаланиш усуллари.

##### **Таянч сўз ва иборалар:**

режиссёр, санъат, томоша санъатлари, цивилизация, концепция, фонограф, микрофон, техника, технология, компьютер, дастурлар.

#### **1-мавзу. Овоз режиссёрлиги санъати. Овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар**

XX асрда техника соҳасининг тараққий эта бошлаганлиги бизга тарихдан маълум. Бу асрда фан-техниканинг турли жабҳаларида изланишлар олиб борилди ва бу изланишлар ўз самарасини бериб, инсонлар томонидан кашфиётлар, улкан ютуқларга эришилди.

Фан техника ривожланиши телекоммуникация соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Радио ва телевидениенинг ихтиро қилиниши, телестудиялар очилиб оммага татбиқ этилишига сабаб бўлди. Телекоммуникация соҳасининг ривожланиши ўз

навбатида, соҳага тааллуқли янги касбларнинг пайдо бўлишига замин яратди: бу режиссёр, овоз режиссёри, оператор, техник муҳандис ва бошқалар.

Айниқса, XX асрнинг охирига келиб, овоз режиссёрлиги соҳаси касб сифатида ривожланиб, жуда кенгайди. Овоз ёзиш студиялари барпо этилиб, энг сўнгги техник анжомлари билан жиҳозланмоқда. Бунга микшер пульталари, турли нусхадаги микрофонлар, овоз кучайтиргичлар, компрессорлар, компьютернинг янги нусхаси Аппле Масинтошни мисол қилишимиз мумкин.

Бугунги кунга келиб овоз ёзиш студиялари Аппле Масинтошнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда, овоз (ижро) бенуқсон ёзиб олинди, муסיқий асарлар профессионал даражада тайёрланмоқда. Ҳозирда овоз ёзувлари асосан рақамли тарзда ёзиб олинмоқда. Овоз ёзувининг ривожланиши ва оммабоплиги, овоз режиссёрлиги касбининг мукаммалашувига олиб келди.

Ҳозирги кунда овоз режиссёрлиги касби ниҳоятда оммалашган, жумладан, Ўзбекистонда ҳам.

Айниқса ёшларнинг бу соҳага қизиқишлари, индивидуал изланишлари овоз режиссёрлиги касбининг кенг қамровда ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўн олти давлатнинг аудио муҳандислар мактабида овоз режиссёрлиги факультети мавжуд. Овоз режиссёрлари учун илк Университет Австралияда ташкил этилган. Бундай олийгоҳлар 2002-йили Америкада, 2003-йили Ҳиндистонда ҳам очилди, Францияда эса ҳатто ер остида акустик илмий текширишлар лабораторияси мавжуд. 1667-йилда немис олими Шер Хаммер овоз тузилишининг нима эканлигини аниқлаган. Агар овоз тўлқинлардан иборат бўлса, уни қандай қилиб тасвирга тушириш мумкин, деган саволга 1850-йилда Эдесин ва Крапповлар жавоб топиб, товушни ёзиб олиш имконияти борлигини аниқлаганлар, қолаверса, қандай ёзиб олиш ва эшитиш принципларини ҳам яратганлар.

Овоз режиссёрлиги касби – бу билим ва тажриба йиғиндиси. Овоз режиссёрлиги – бу биринчи навбатда, режиссёрликдир. У маълум бир асарни ёзиб олишдан аввал, бутун партитурани, ундаги ҳар бир алоҳида овоз ва ҳар бир муסיқий чолғуни ҳис этиши лозим. Овоз режиссёрлиги касбининг энг муҳим қирраси – бу бастакор, дирижёр ва ижрочилар билан ижодий тил топа олишдир. Овоз режиссёри маълум бир асар устида дирижёр, гуруҳ ва хонанда билан иш бошлар экан, ижро этилаётган асарни ташкил этувчи ғояни тушуниб этиши муҳимдир. Овоз режиссёри асар ёзиб олинаётган муҳитнинг “макон меёрлари”ни ўрганиб чиқади. “Макон меёрлари” деганда студия ва залларнинг акустик талаблари, овоз ёзуви жараёнида ишлатилаётган ускуналарнинг тавсифиси тушунилади. Бу объектив қарашлар.



Бундан ташқари, бир қатор субъектив қарашлар ҳам мавжуд. Булар овоз режиссёрининг оркестр билан ишлай билиши, ижрочилар билан киришиб кетиши, уларни ўзига ишонтира олиши, айтганларини қилдира олиши кабилардир. Ижрочилар овоз режиссёрида билимли, меҳрибон ва шу билан бир қаторда талабчан дўстни кўра олишлари керак. Кўп соатли овоз ёзиш жараёнида овоз режиссёрининг асаб толалари чарчаб, хатоларга йўл қўймаслиги керак.

Немис овоз режиссёри Гюнтер Шуленбург шундай деган экан: “бугун бир нимани ёмон ёзгандан кўра, уни умуман ёзмаган маъқул”. Бу билан баҳслашиш мушкул. Овоз режиссёри – ижрочининг кўзгуси кабидир. Бу кўзгу қийшиқ ва хира бўлиши мумкин эмас. Кўз олдингизга келтиринг – сизга бир яхши пианиночини сифати паст бўлган фортепианодаги ижросини ёзиб олиш масаласи қўйилган. Биринчи навбатда, овоз режиссёри бу ижрочининг ижро этиш услубини ўзига хос бўлган томонларини, унинг ижодий қирраларини билиши шарт. Ана шунда, ёзув жараёнида овоз режиссёрининг техника ёрдамида чолғунинг камчиликларини тўғирлаб қўйиш имкониятлари ўз-ўзидан келиб чиқади.

Шу ўринда, турли асарларни ёзиб олиш жараёнидан мисоллар келтириб, турли хил ижрочилар тўпламининг ўзига хослигини, муסיқий асбобларнинг тембри ҳақида, турли ижрочиларнинг характери, ижод услубининг ўзига хослиги хусусида сўз юритиш мақсадга мувофиқ.

Овоз режиссёри билан ишлаётган муסיқачилар уни “хизматдаги ишчи” эмас, аксинча сирдош, маслакдош деб, қабул қилишлари учун у нафақат ўқимишли бўлиши, шу билан бирга улар қатори ижодий ёниши керакки, ижрочи: “Мана у – менинг ягона овоз режиссёрим”, деган хулосага келсин.

Кино ва театр санъатида овоз режиссёрлигининг тутган ўрни. Барча санъат соҳалари каби овоз режиссёрлигида ҳам ўзига хос талаб ва вазифалар мавжуд. Бу вазифаларни тўғри ҳал қилиш асарнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда муҳим ўрин тутди.

Овоз режиссёри бирор бир асарни овоз ечимини ҳал қилишдан олдин шу асарнинг қайси жанрга тегишли эканлигини билиб, шу жанрнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, овоз ечимини ҳал этиши лозим. Шундай экан, овоз режиссёрига тааллуқли бўлган айрим соҳаларни алоҳида таҳлил этамиз.

### **Кино тарихи.**

Кинони эслатувчи ҳаракатдаги тасвирни илк бора Афлотун ўзининг “Давлатлар” асаридан жой олган, қояларда акс этиб турувчи соя, шарпалар ҳақидаги ҳикоясида тасвирлаган. Кинони эслатувчи тасвирларни яна Герон Александрийский ва Клавдий Пталомей асарларида ҳам кўриш мумкин.

Аммо, турли метафораларнинг ўхшашлиги эмас, балки аниқ фактлар - турли ясси ҳаракатдаги тасвирларни ҳам ёзиб, ҳам қайта кўрсатиш имконини берадиган реал тизимлар ҳақида сўз борадиган бўлса, кинематографнинг аждодлари, деб бир қанча серия суъратли ўйинчоқларни айтиш мумкин. Суъратларни ўрнини тез ўзгартирганда улар ягона бир ҳаракатдаги тасвир сифатида қабул қилинган. Бундай ўйинчоқлардан “зоотроп”, “мўъжизавий блокнот”, “фенокистоскоп” номларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу тизимларнинг барсашини кўриш бир неча сониядан ошмаган.

Кинематографнинг етарли хронометражли ҳаракатдаги тасвирларини, боз устига ихтиёрий, эркин ҳаракатли тасвирларни кўрсата оладиган тизим сифатида фақат фотография пайдо бўлиб, фотоматериалларнинг сезгирлиги қисқа видержжада ҳам суъратга олиш даражасига етгандан сўнг ривожланди. 1870-йилларнинг охирларида ҳозирги кунда ҳам фото ва кинопроцессорларнинг асоси бўлган бром кумуш желатинли эмульсия кашф қилингандан сўнг, тасвирни ёзиб оладиган турли тизимлар ихтиро қилина бошланди. Тарихда бундай ихтирочиларнинг номларини ўнлаб учратиш мумкин. Улар дунёнинг турли мамлакатларида фаолият юритган (булар ичида машҳур бўлганлардан англиялик Эдвард Майбриж ва француз Этен Жюл Марей номларини алоҳида айтиш мумкин), лекин бу ихтиролар кўп ҳолларда молиявий ёки техник муаммолар сабабли якунига етмаган. Якунига етказилганлари ҳам ё Марей ва Майбриж тизимлари каби етказиб берилиш қулайлиги қониқарли бўлмаган, ёки имкониятлари кескин чегараланган. Масалан, француз Эмил Рено системасида фотография ишлатилмаган.

Муваффақият қозонган илк кинематографик тизимлардан Томас Эдисон ва унинг муҳандиси Уильям Диксон томонларидан яратилган иккита қурилма - “кинетограф” (“ҳаракатларни ёзиб олувчи” тасвирга олувчи қурилма), иккинчиси “кинетоскоп” (“ҳаракатларни кўрсатувчи” қайта кўрсатиш қурилмаси) эди. Бу тизим 1880-йилларнинг охири 1890-йилларнинг бошларида ишлаб чиқилган бўлиб, ихтиро учун патентга талабнома 1891-йилда берилган, патент 1893-йили 14-мартда олинган. Илк пулли сеанс 1894-йилнинг 14-апрелида бўлиб ўтган. Лекин кинетоскоп индивидуал кўриш учун мўлжаллангани сабабли шунчаки атракцион сифатида қабул қилинган ва бир неча йилдан сўнг истеъмолдан чиқарилган.

Шу сабабли, кинематограф ихтирочилари ака-ука Луи ва Огюст Люмерлар саналади. Улар Эдисон техникаси конструкцияларидан хабардор бўлиб, Эдисон ихтиросини Европада патентлаштирмагани сабабли унинг баъзи ғояларидан фойдаланганлар.

Уларнинг айнан “синематограф” номли аппаратлари кинематографга ном берган. Люмерлар 1895-йил 13-феввалида патентга талабнома беришган, илк

оммавий тақдимот эса Парижда 1895-йилнинг 22-март куни бўлиб ўтган. Бу саналарнинг барчасини кинематографнинг яратилиш куни деса бўлади, лекин расмий равишда кинематограф туғилган кун деб, 1895-йилнинг 28-декабрь санаси айтилади, шу куни Капуцино бульварига “Гран кафе”да синематографнинг илк тижорат сеанси бўлган.

### **Овознинг кинога кириб келиши.**

Овоз ёзуви кинематографдан олдин пайдо бўлиб, тасвир ва овозни синхронлашга ҳаракат эса кино яратилиши билан бир вақтда юзага келган. Томас Эдисоннинг ҳаммуаллифи Уильям Диксоннинг айтишича, у 1889 йилдаёқ овоз ва тасвирни биргаликда кўрсатадиган қурилма – “кинетофонограф”ни ихтиро қилган экан. Лекин унинг сўзларини исботловчи ҳеч қандай далил йўқ. Боз устига, XX асрнинг бошларига қадар фонографни энг муҳим ихтиро, деб юрган Эдисон кинетоскопни фонограф билан синхронлаш ҳаракатларини давом эттирган, аммо кўлидан келмагач, бу ишга бўлган қизиқиши сўнмаган.

Кинематограф ривожланишининг илк даврларида овозли кино ҳосил қилишга кўп мамлакатларда уринишлар бўлди. Бунга иккита асосий муаммо ҳалал берарди: биринчиси тасвир ва товушни синхронлаш бўлса, иккинчиси товушни етарли даражада баланд чиқмаслиги эди. Биринчи муаммо товуш ва тасвирни битта ускунага ёзиш билан ечилган бўлса, иккинчисини ечиш осон кечмади. Чунки товуш диапазонини электр тебранишларини кучайтириб берувчи қурилма хали кашф қилинмаган эди. Бу ҳодиса 1910-йилда рўй берди. Аммо бу даврга келиб кинонинг тили етарли даражада раванқ топиб бўлган, товушнинг йўқлиги эса камчилик ҳисобланмай, унга бўлган қизиқиш сусайган эди.

Кинематограф тарихида инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлган товушли кино тизимига 1919-йилда патент олинган бўлса ҳам, ишлаб чиқариш ва прокатнинг қимматлашиб кетишидан кўрққан кинокомпаниялар 1920-йилнинг ўрталаригача кинони “тапиртириб юборишга” жазм этмаган. Инқирозга учраётган “Ворнер бротхерс” компанияси 1928-йилда ишларини ўнглаш мақсасида таваккал лойиҳага қўл урди.

Инсоният кинонинг овозлашганини олқишлар билан қарши олишди. Лойиҳа муваффақият қозонгандан сўнг “Ворнер бротхерс” компанияси ортидан бошқа компаниялар ҳам кинони овозлаштира бошладилар. 1926-йили “Ворнер бротхерс” компанияси асосан мусиқий номерлардан иборат бўлган бир неча фильмлар яратди. Аммо улар кутилган даражада машҳур бўла олмади, машҳурлик 1927-йилда “Жаз хонандаси” фильми билан келди. Унда таниқли мусиқачи Эл Жолсон номерларидан ташқари, қисқа репликалар ҳам бор эди.

Овозли кино экрандаги персонажнинг жонли нутқи билан пайдо бўлди. Унинг туғилган куни деб 1927-йил 6-октябрь, “Жаз хонандаси” фильми экран юзини кўрган сана ҳисобланади.

Ўзбекистон кино тарихида биринчи овозли фильм 1937-йилда тасвирга олинган бўлиб, у “Қасам” фильмидир (режиссёр Усолцев). Мазкур фильм билан бир қаторда, “Азамат”, “Асал” фильмларидаги овоз ечими масалаларини К. Масалский ва ёш истеъдодли Каримжон Бўрибоев овоз оператори сифатида ҳал этганлар. Умуман, ўзбек овозли кинематографиясини асосан “Ўзбекфильм”да фаолият юритган, ўз дастхатига эга бўлган, тажрибали овоз операторлари Г. Сенчило, А. Кудряшов, Е. Шацкий, Н. Шодиев ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг ижодий изланишлари ва ютуқлари мазкур санъат ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

### **Кино овоз режиссёри.**

Бу йўналишда овоз режиссёри сценарий муаллифи ва фильм режиссёри билан чуқур ҳамкорликда иш олиб бориши талаб этилади. Кинофильмнинг суратга олиш жараёнларида фаол иштирок этиб, у ерда бўлаётган товуш йўлини ёзиб олиши шарт. Бунинг учун алоҳида улкан махсус мосламалар шарт бўлмайди, оддий, портатив овоз ёзиш мосламалари диктофонлар – бу мосламалар ўрнида бемалол хизмат қила олади. Табиийки, бу нима учун керак? деган савол туғилади.

Кино овоз режиссёри ёзиб олган материалларни қайта эшитиб чиқиб актёрлар овозларининг бир бирига мослигини, уларнинг характерларини ҳисобга олган ҳолда, асар сценарийсидан келиб чиқиб, фильм режиссёрига қайси жойда қандай шовқинлар, у ёки бу образни очиб бериш учун қандай мусиқа мос келишини ҳал этади ва ўз таклифларини, зарур бўлса, асар бастакорига тушунтиради. Шу орқали у фильмнинг овоз ечимини ижобий ҳал этади.

Кинофильмлар ўз хусусиятига кўра жуда кенг динамик диапазонга эга. Овоз режиссёри бу динамик диапазонни назорат қилиш учун ўзида мавжуд бўлган техник анжомларни тушунган ҳолда, билиб ишлатиши зарур бўлади.

Албатта, бунинг учун овоз режиссёри аввало овоз партитурасини тузиб олиши шарт. У овоз партитурасини ҳам фильм режиссёри билан маслаҳатлашган ҳолда ҳаётга татбиқ этади. Кинонинг телевидениедан фарқи шундаки, кинода овозни ёзиб олиб кейин студияда ўзгартирса бўлади, телевидение ёки театр залларида эса овоз режиссёрининг хатога йўл қўйишга ҳаққи йўқ.

### **Театр овоз режиссёри**

Бунда кино овоз режиссёри каби у ҳам ўз ишини асарнинг пастановкачи режиссёри билан чуқур ҳамкорликда олиб бориши талаб этилади: театр овоз режиссёрининг кино овоз режиссёридан фарқи - театрда барча асарлар жонли ижро этилади шунинг учун овоз режиссёри техник анжомлардан оқилона ва билиб фойдаланиши талаб қилинади. Агар кинода қўйилган хатони қайта ёзиш имкони бўлса театрда бунинг иложи йўқ. Шунинг учун овоз режиссёри спектакльнинг бадиий жиҳатига эътибор бериб, ўз ишини олдиндан пухта тайёрлаб бажариши шарт. Театр асарининг динамик диапозони жуда кенг бўлгани учун ҳам театр биносининг акустик жиҳатларини чуқур ўрганиб чиқиб, у ердаги мосламалардан максимал даражада унумли фойдаланиши талаб этилади.

### Овоз ёзуви тарихи.

Муסיқий қутичалар, шарманка, полифон, оркестрион (ХВИИ аср). Овоз ёзувчи ва уни қайта эшиттирувчи илк мосламалар механик муסיқий чолғулар бўлиб, улар куйни ижро эта олишар, аммо ихтиёрий, эркин товушларни, шу қаторда одамзод товушини ёзиб олишга қодир эмасди. Бу механик ихтиролар қоғоз, дарахт, металл валик, ўйма тешикли диск ва бошқа қурилмаларга ёзилган куйни қайта эшиттирареди. Бу механизмларни инсон қўлидан ташқари яна 5 та усул: сув, қум, тароз, пружина ва электр қуввати орқали ишга тушириш мумкин бўлган.

Муסיқани автоматик равишда қайта эшиттириш, ижро эттириш ИХ асрдаёқ маълум бўлиб, тахминан 875 йилларда ака-ука Бану Муса маълум механик чолғулар ичида энг қадимийсиҳисобланган, “гидравлический” ёки “сувли орган” ихтиро қилган эдилар. Бу орган алмашилиб (сменный) келинадиган цилиндрларни автоматик ижро эттирарди. XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар бўртиб чиққан “муштли” цилиндрлар муסיқани механик қайта эшиттирадиган асосий восита бўлиб қолган. Қўнғироқларни ишга туширувчи шу каби цилиндрга эга механик корилон 13 аср бошларида манбаларда кўрсатилган. Шунингдек, ака-ука Бану Муса автоматик флейтани ихтиро қилишган, уни тахминан илк дастурланган машина деб ифодаласа бўлади.

Уйғониш даврида керакли вақтда у ёки бу куйни “куйлайдиган” бир қатор турли механик чолғулар ўйлаб топилди. Улар қаторига шарманка, муסיқий қутичалар, табакеркалар киради. Муסיқий шарманкани ишлаш хусусияти шундаки, товуш турли ўғонлик ва узунликдаги пўлат пластиналар ёрдамида

пайдо бўлади ва улар акустик қутида гармоник товушқатор кетма-кетлигида жойлашган бўлади. Улардан товуш хосил қилиш, бўртиб чиққан штифтли махсус барабан орқали амалга оширилади. Штифтларни барабан юзасидаги жойлашуви, керакли куйга мутаносиб бўлади. Барабан бир маромда айланганда, штифтлар пластиналарга ўрнатилган кетма-кетликда тегинади. Штифтларни олдиндан ўрнини алмаштириш орқали куйни ҳам ўзгартириш мумкин.

Шарманкани шарманкачининг ўзи дастани айлантириб туриш орқали ишлатади.

Муסיқий қутиларни ишлаш принципи бошқачароқ. Унда куйни олдиндан ёзиб олиш учун металл диск қўлланилади. Дискда чуқур спираль ариқча бўлади. Ариқчанинг маълум бир жойларида нуқтали чуқурчалар қилинади. Бу чуқурчаларнинг жойлашуви куй билан мос бўлиши керак. Пружинали вақтли механизм билан дискни айлантирганда, махсус металл игна ариқча бўйлаб ҳаракатлариб, нуқталар кетма-кетлигини ўқийди. Игна мембрана билан бирлаштирилган бўлиб, игнанинг ариқчага ҳар бир тушиши товуш хосил қилади.

Ўрта асрларда курантлар пайдо бўлди: улар минорали ёки катта хона соатлари бўлиб муסיқий механизмга эга, соат бонгини аниқ бир куй кетма-кетлигида ёки кичик муסיқий пьеса билан урар эди.

Механик муסיқий чолғулар шунчаки автомат бўлиб, улар фақат куйларни ижро этарди. Табиий, ихтиёрий товушларни ёзиб олиш ва уларни узоқ муддатга сақлаб қолиш муаммоси анчагина кейин ечилди.

Механик пианинолар илк бор 1886 йилда Филадельфиядаги кўрғазмада тақдим қилинди. Унда қоғоздан қилинган ўйма тешикли тасма бўлиб, узун пьесаларни ёзиб олиш имконини берарди. Пианолар механизми доимий равишда такомиллаштирилиб бориб, ишлаб чиқарилиши эса XX асрнинг ўрталарига қадар давом этган. Аввалига механик овоз ёзуви механик-акустик йўл билан амалга оширилди (ёзиб олинаётган товуш рупор орқали кесакига маҳкам боғланган мембранага таъсир қилади). Кейинчалик бу усулни бошқа, электро-акустик усули бутунлай туртиб чиқарди. Бунда ёзиб олинаётган товуш сигналлари микрофон орқаликеракли электр токига айлантирилади, уларни кучайтириб, электро механик ўзгартиргич – рекордерга таъсир қилади. У эса ўзгарувчан токни магнит майдони орқали етказди ва у кесакининг механик тебранишларига мос келади.

**Фоноавтограф.** Фоноавтографни де Мартинвилл исмли олим 1857 йил ихтиро қилган. Бу қурилма акустик конус ва игна билан уланган тебранувчан мембранадан ташкил топганди. Игна қоғоз ёки қурум билан қопланган шиша цилиндр юзасига тегиниб турар, цилиндрни қўл билан ҳаракатга келтириш зарур эди. Конус орқали ўтадиган товуш тебранишлари мембранани силкитиб, ўз тебранишини игнага ўтказар, игна эса ўз навбатида қурумда белгилар чизарди. Бироқ бу мослама товушни қайта эшиттира олмади.

**Фонограф.** 1877 йили америкалик Томас Алва Эдисон овоз ёзувчи аппарат – фонографни ихтиро қилди. Фонограф ихтироси илк бор инсон товушини ёзиб олишга имкон яратди. Механик ёзув ва уни қайта эшиттириш учун Эдисон қалайдан қилинган фолга билан қопланган валикларни қўллади. Бу фоноваликлар диаметри тахминан 5 см., узунлиги эса 12 см. бўлган ичи қавак цилиндрдан иборат эди. Фонографда товуш йўлакча (дорожка) шаклида ёзилиб, унинг чуқурлиги (ичкарилиги) товуш баландлигига пропорционал бўлган. Фонограф товуш йўлакчаси алмашилиб айланувчи барабанда цилиндрсимон спираль шаклида жойлашган бўлади. Қайта эшиттирилиш вақтида ариқча бўйлаб ҳаракатланаётган игна тебранишларни эгилувчан мембранага етказди ва у товуш ҳосил қилади. Бу ихтироси учун Эдисон АҚШ ташкилоти томонидан 1878 йил, 19 февралда патент олади. 1878 -1887 йилларда Эдисон фонограф устида ишлашни ташлаб қўяди. Илк фонографларда металл валик даста ёрдамида айланар, ҳар бир айланишда бошқарувчи валдаги (турли механизмдаги айлантирувчи цилиндр) винт резбаси ҳисобига ўқ йўналишида жойини ўзгартириб турарди. Валикка қалайли фолга (станиол) қопланарди. Унга пергаментли мембрана билан боғланган пўлат игна тегиниб турарди. Мембранага эса, металлдан ясалган конуссимон рупор маҳкамланган. Овоз ёзуви ва қайта эшиттирилиши вақтида валикни қўлда, диққасига 1 оборот (айланма) тезлигида айлантириш керак бўлган. Товуш йўқ пайтида валик айлантирилса, игна фолгада ичкарилиқдаги (чуқурликдаги) спираль ариқчалар ҳосил қиларди. Мембрана тебранганда эса игна қалайга ботади ва товуш чиқади. Эдисон бу ускунасининг илк тажрибаларида цилиндрга фолгани қоплаб, игнани цилиндр юзасига олиб боради, дастани охистагина айлантириб, рупорга қўшиқ хиргойи қилиб қўради. Кейин игнани олиб даста билан цилиндрни аввалги ҳолатига қайтаради. Чизилган ариқчага игнани қўйиб, цилиндрни яна айлантира бошлайди. Рупорда паст лекин аниқ бўлиб қўшиқ эшитила бошлайди.

1885 йилда америкалик ихтирочи Чарлз Тейнтер (1854 – 1940) **граммофон** ўйлаб топди. Графофон фонографга ўхшаш бўлиб, худди оёқли тикув машинасидаги каби привод (ҳаракатни бир жойдан иккинчисига ўтказадиган механизм) бор эди. Тейнтер валикдаги қалайни мум билан алмаштирди. Эдисон Тейнтердан бу ихтироси учун олган патентини сотиб олади овоз ёзуви учун ўрнатилган жойидан қўчирилиши мумкин бўлган мумли валиклардан фойдаланди. Илк фонографларда овоз ёзиш ва уни қайта эшиттиришда фойдаланишган, ammo технологияси керакли баландликдаги товуш чиқариш учун механик энергияга эга эмасди.

Кейинчалик товуш етказувчини нусхасини қаттиқроқ материалдан ишлаб чиқариш учун гальванопластика (бирор нарсадан нусха олиш учун унинг юзидан металл қоплаш) усулидан фойдаланишди. Товушни қайта эшиттириш учун

товуш етказувчи бўйлаб нурланувчан мембрана билан боғланган игна харакатланган. Бу ёзувлар жуда қисқа, тез бузилилиб, узоққа етмайдиган бўлган. Фонографда мумдан фойдаланиш ёзувларни узоқроқ муддатга сақлай олиш имконини берди.

АҚШ ва Европада фонографлар жуда оммалашди. Бунга таниқли асарларни ёзиш кўмак бўлди ва фонографнинг янада янги моделларини яратишга туртки бўлди. Фонографни валикли туридан ташқари дискли тури ҳам пайдо бўлди. Улар дақиқасига 78 айланиш (оборот) тезлигида айланар, товуш конус шаклидаги рупор орқали кучайтирилди. Бироқ дискли фонографлар бозорга 1912 йилдагина чиққан бўлса, бу пайтга келиб, граммофон пайдо бўлиб, фонографнинг ғар қандай моделларидан устун эди.

**Граммoфон.** Асли немис миллатига мансуб бўлган америкалик ихтирочи Эмил Берлинер Эдисоннинг валигини ясси диск билан алмаштирди ва матрица (ўйма қолип) ёрдамида уни бир йўла кўп ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйди. Бундай пластинкаларни Берлинер 1888 йил тақдим қилди. Шу йилни граммофон ёзуви даврининг бошланиши деса ҳам бўлади.

Бироздан сўнг граммпластинкаларни эбонит ва каучукдан ясалган босма матрица ёрдамида пресслаш йўлга қўйилди. Сўнгра тропик қумурсқалар ишлаб чиқарувчи шеллак асосидаги композицион массада ясалиши бошланди. Пластинкалар сифати ошди, нархи эса арзонлаша бошлади.

Аммо уларнинг асосий камчилиги механик томондан мустаҳкам эмаслиги эди. Шеллакли пластинкалар XX асрнинг ўрталарига қадар ишлаб чиқилган. 1896 йилгача дискни қўлда айлантириш керак бўлган, бу эса граммофонни кенг оммалашувига тўсиқ эди. Эмил Берлинер пружинали двигателлар конкурсини эълон қилди: унга арзон, технологик, ишончли, мустаҳкам ва катта қувватга эга бўлиш каби талаблар қўйилганди. Бундай дигателни Берлинер компаниясига ишга келган Эдриж Жонсон исмли механик ишлаб чиқди. 1896 йилдан 1900 йилгача бундай двигателлардан тахминан 25000 та ишлаб чиқилган. Шундан сўнггина граммофон кенг оммага тарқалиб кетди.

Илк пластинкалар бир томонлама бўлган. 1903 йили 12 дюймли (1 дюйм 25, 4 м.м.) икки тамонли пластинка ишлаб чиқилди. Пластинкаларни граммофонда механик товуш олувчилардан (звукоснимател) игна ва мембрана ёрдамида эшитиш мумкин бўлган. Товуш кучайтиргич хисобида бахайбат раструб хизмат қилган.

Кейинчалик портатив граммофонлар ишлаб чиқилди: улар корпус билан беркитилган раструбли **патефон** эди. Муҳандислар фикрича, инсон қулоғи учун оптимал частотани 6 метрдан узун бўлган труба орқали олиш мумкин эди.

Усталар турли йўллар қидириб, масаланинг ечими трубани вольторнаникидака улитка қилиб ўраш деб топишди. Раструбнинг диаметри



баъзан 1,5 метр ёки 1 метрдан ошиқча бўларди. Улар оқартирилган никелланган жез (латун – миснинг қалай ва руҳ билан қотишмаси) ёки бошқа металлдан, хатто шишадан ҳам ясалган бўлган. Кейинчалик кўпчилик энг яхши товушни дарахт орқали олиш мумкин деган фикрга келди. Бундай рупорлардан кенг тарқалгани дуб дарахтидан бўлган. Шакллари эса баъзан тор ёки кенг конуссифат воронкадан тортиб, ўз эки атрофида айланувчи, лола, қўнғироқча шаклидаги раструбли бўғинли трубкаларгача бўлган. Хис Мастеръс Воисе компаниясининг тумбали аппаратларида, рупор ичкарига жойлаштирилган. Колонка жойлашган юқори эшикларини очиб-ёпган ҳолда товушни бошқарса бўлган, қуйида эса, пластинкалар учун жавонлар жойлашган.

**Патефон** (XX аср, 1907 йил). Патефон номи француз фирмаси “Патхе” номидан келиб чиққан. У граммофоннинг кўчма версияси бўлиб, портатив жомадон кўринишида бўлган. Граммофондан фарқли ҳолда унинг рупори кичкина бўлиб, корпус ичида жойлашган. Грампластинкаларнинг асосий камчиликлари уларнинг мўртлиги, товуш сифатининг пастлиги ва ижро вақтининг камлиги (дақиқасига 78 оборотда атиги 3-5 дақиқа янграши) эди. Патефон игналарини жуда тез алмаштириш керак бўлган. Пластинкалар махсус даста билан ишга туширилган. Пружинали двигатель ёрдамида айланган. Бирок энгил ва кичкина бўлганлиги, конструкциясининг оддийлиги, электр қувватсиз ишлаши каби ютуқлари патефонни мусиқа шинавандалари ичида оммалашшига сабаб бўлди.

**Электромеханик ёзув.** 1925 йил рупор орқали овоз ёзиб олиш ўрнига электро акустик услуб - микрофон орқали овоз ёзиш услуби қўлланила бошланди. Товуш бузилишларини камайиши хисобига частота диапазони 150-4000 Гс. дан 50 – 10000 Гс. Гача кенгайди. Пластинка айланиши учун хизмат қиладиган пружинали двигатель ўрнига электр двигатель қўлланди. Механик товуш олувчи (звукоснимател) ўрнига аввалига пьезоэлектрик, кейинчалик сифатилроқ бўлган магнитли товушо лувчилар қўлланди. Бу товушо лувчилар грампластинка товуш йўлакчаси бўйлаб харакатланаётган игна тебранишларини электр сигналларига ўзгартирар, электрон кучайтиргич орқали кучайтирилиб, радиокарнайга тушарди.

**Радиола ва электрофонлар** ( XX аср, 1925 йил). Электрофон – граммофон пластинкаларини эшитиш учун мослама. Радиола – радио қабул қилгич ва ёзувни қайта эшиттирадиган қурилма. Граммофондан фарқли ўлароқ электрофонда товуш олувчи игнасининг механик тебранишлари электр тебранишларига айлантирилиб, товуш частоталарини кучайтирувчи кучайтиргичга тушган, сўнг электроакустик система орқали механик товушга айлантирилган. 1948 – 1952 йилларда мўрт грампластинкалар ўрнига узоқ муддатга етувчи, деярли синмайдиган, ижро вақти кўпроқ бўлган пластинкалар келди. Бунга товуш

йўлакчалари ўртасидаги масофани қисқартириш ва торайтириш ҳисобига, ҳамда оборотлар сонини 78 дан 45 тага, баъзан 33 тага қисқартириш ҳисобига эришилди. Шундан сўнг товуш сифати сезиларни даражада яхшиланди.

1958 йилдан эса стереофоник грампластинкалар ишлаб чиқилди. Игналар ҳам чидамли қилиб ишлана бошланди. Граммофон ёзувлари фақат махсус овоз ёзиш стдияларида амалга оширилди.

**Шоринофон.** 1930 йил собиқ совет ихтирочиси А. Ф. Шорин грампластинка ёзуви принципи бўйича ишловчи, товушни оператив равишда ёзиб, уни қайта эшиттира оладиган ускуна яратди. У фақат, товуш олувчи сифатида айланувчи пластинка ёки цилиндр эмас, балки доимий тезликда узатувчи киноплёнкани ишлатди.

Шундай қилиб, тўхтовсиз ёзув фақат тасмининг узунлигига боғлиқ эди. (40 метр тасмада бир неча товуш йўлакчали 2 соат давомийликдаги фонограмма ёзтилган). Ёзув сифати ўртача бўлиб, асосан нутқий ёзувлар учун хизмат қилган. “Шоринофон” номли аппарат урушга қадар саноатда ишлаб чиқарилган ва асосан радиоузатув ва репортажларни тайёрлаш учун хизмат қилган.

**“Гапирувчи қоғоз”.** 1931 йил совет муҳандиси Б. Р. Скворцов товуш тебранишларини ўзи ёзувчи (самописец) ишлаш принципи бўйича оддий қоғозга ёзувчи ускуна яратди.

Кучайтиргич чиқишига уланган электромагнит, юрувчи перони тебрантирган, у ҳаракатдаги қоғоз тасмага қора сиёҳ орқали ёзувлар ёзган. Ёзувни қайта эшиттириш учун кўп қувватли лампа ва фотоелимент керак бўлган. Тасмаларни типографиядагидек осон ва арзон тиражлаш мумкин бўлган. “Гапирувчи қоғоз” деб номланган ускунани сериялаб чиқариш 1941 йилда тайёр бўлса ҳам, бир неча юзтадан ташкил топган илк партияси 1944 йилдагина ишлаб чиқарилди. Бу пайтга келиб “Гапирувчи қоғоз” тез, жаъдал ривожланиб келаётган магнитофонлар билан рақобатлаша олмасди.

Овоз (товуш) ифлосланган ҳисобланади. У ёйилади, бурчакларда эгилиб, ҳар томонга объектдан сакрайди. Бундай сакрашлар сизнинг трекингизга салбий таъсир этади. Билсангиз овоз (товуш)нинг бундай тарқалиши унинг маълум даражада заифлашувига олиб келади. Агар бундай ҳолатни қай тарзда юз беришини билсангиз, сиз бу сакрашлар назоратини осонгина топа оласиз ва яхши трекка эга бўласиз.

### **Жей Роуз қонуни**

Овоз ёзиш бу – товушли ахборотни ёзиш, сақлаш, қайта ишлов бериш ва ундан нусха олиш, кўпайтириш мақсадида қилинадиган жараёндр. Овозни ташувчи воситалар – магнит тасмаси, граммофон пластинкалар, кинотасма, аудио компакт дисклар (СД-Р-РВ), МД (мини диск) ва ҳ. к. Бу воситаларнинг

физик ҳолати ва шакли овоз ёзилаётган пайтда ўзгариб боради. Умуман, овоз ёзиш икки хил усулда амалга оширилади: акустик (механик) ва электроакустик. Дастлаб, акустик (механик) усулда овоз тебранишлари бевосита асбобга таъсир ўтказиб, у ўз навбатида овоз ташувчи воситани ҳаракатлантиради. Электроакустик усулда овоз микрофон ёрдамида электр тебранишларга айланиб, кейин уларнинг қуввати кучайтирилгач, асбоб ва овоз ташувчи воситага етказилади. Бу усул ўзининг техник имкониятларига яраша овозни сифатли ёзилишини таъминлайди.


Амалиётда овоз механик, фотографик, магнит, оптик ва рақамли тизимларда ёзилади. Ҳар бир тизим ўз тарихи ва хусусиятларига эга. 1920-йиллар охири 30 – йиллар бошида овозли кинонинг пайдо бўлиши, радио ва грамёзувни ихтиро қилиниши билан бирга, овозни аналог тарзда магнит тасмаларга ёзиб олиш, бирин-кетин бир қанча телестудиялар очилиб фаолият юритиши ҳам овоз режиссёрлиги касбида яна бир янги қадам бўлди. Ўз-ўзидан тараққиёт келажак учун профессионал мутахассислар етиштиришни талаб қилар эди. Шу сабаб овоз режиссёрлари зиммасига бир қанча масъулият юклатилди. Овоз режиссёри ёзув жараёнида ижодий ишнинг нафақат техник, балки бадиий муаммоларини ҳам ечишда ҳаққоний иштирокчисига айланди. Амалдаги иш жараёни дастлаб кинода кузатилди.

Биринчи товушли фильм Л. Люмер тасмалари билан тенгдош бўлган. Кунларнинг бирида Т. Эдисон ўзининг лабораториясига қайтганида уни бир ажойиб тухфа кутиб турган эди. Олимнинг саломига кичик экрандан унинг ёрдамчиси овоз билан синхрон тарзда алик олиб шляпасини ечади. Т. Эдисоннинг ихтироси патентлаштирилди, ва ҳатто Американинг бир корхонаси томонидан сотиб олинди. Аммо, овозни синхронлаштиришнинг барча техник ечимларига қарамай, кино овозсиз ривожланиш йўлида кетаверди.

Ҳаракатланувчи расмларнинг таъсири шунчалик кучли эдики, томошабин ҳайратдан товушнинг йўқлиги учун кинематографни ортиқча койимади ҳам. Буюк америкалик олимнинг ихтироси амалда қўлланилмай қолаверди. Аммо, фильм яратувчилари тез орада қоронғу залда жим-житликда ўтириш қизик эмаслигини тушуниб етдилар.

Томошабинларнинг қулоқларини ҳам овутиш керак бўлиб қолди. Тез орада ҳамма залларда тейперлар пайдо бўла бошлади. Ҳаттоки, ёш С. Рахманинов ўзининг роялдаги импровизациялари билан овозсиз кинони олиб борар эди. Биринчи товушли совет фильмлари 4 йилдан сўнг пайдо бўлди. Уларда товушни қўллаш бўйича юқори бадиий талабларга жавоб берувчи эпизодлар мавжуд (”Встречный”, ”Путевка в жизнь”). 1878-йилда Эдисоннинг фонографи ёрдамида биринчи мусиқий асар Янке Доодле корнетчи Жюльс Леви ижросида ёзиб олинган. Овоз ёзуви моно бўлган.

## Товуш манбаи



**Расм 2.1** *Товуш манбаидан ўнг ва чап қулоққача масофа*

Муסיқий асарни ёзиб олиш бўйича биринчи тажриба 1881-йили Парижда Адер ва Пускас томонидан амалга оширилди. Бутунжаҳон кўрғазмасида опера театридан таралаётган товушнинг икки каналли узатуви тельефон линиялари орқали (кучайтиришсиз) амалга оширилган. Алан Блумляйн икки каналли овоз ёзуви ва қайта эшиттириш услубини, ҳамда микрофонларнинг “кесишган саккизлик” конфигурациясини патентлаштирди (1931). Стереофония дастлаб кинода, кечроқ 1950-йиллар охирида овоз ёзувида асосий товуш формати бўлиб қолди. 1956-58 йилларда биринчи стереофоник пластинкалар сотувга чиқди.



**Расм 2.2** *Граммoфон*

Ҳозирги кунга қадар қўлланилаётган икки каналли стереофония, монофоник янграётган товушнинг янада сифатли бўлишида катта ҳисса қўшди. Тингловчида “товуш тасвири”ни ҳосил қилиш имкони яралди, стереофоник эшиттиришда асбоб ва овозларнинг тембри янада аниқроқ эшитиларди.



*Расм 2.3 Стерефоник пластинка*

Бундан ташқари, ижро этилаётган маконнинг акустикаси янада тўлароқ ҳис этила бошланди. 1956-йили Фермойден (Голландия) кинозаллардаги кўп сонли динамиклар ёрдамида амалга ошириладиган овоз узатуви чизмасини таклиф қилди. Динамикларнинг иккитаси олдинга, қолган ўн бештаси эса залнинг деворларига ўрнатилади. Бундай тизим амбиофония деб номланди, французчадан амбиансе-атрофли, ўраб олмоқ. 1972-йилда Петер Шойбернинг ихтироси туфайли инсоният кўп каналли стерефоник тизим “Квадрофония” билан танишди. 1970–йилларга келиб рақамли овоз ёзуви ва қайта эшиттириш техникаси, стереофония ва унинг турлари, кўп каналлик микшер пультаи, синтезаторлар, компьютерлар, турли акустик филтёрлар, ревербераторлар, турфа хил микрофонларнинг пайдо бўлиши, овоз режиссёрига овозни бошқаришда, овоз ёзиш ва уни узатиш жараёнларида жуда кўплаб имкониятлар яратди.

Товуш эшитилиши сифатини баҳоловчи параметрлар орасидаги оркестрнинг гуруҳларининг баландлиги мутаносиблигини белгиловчи параметр бу... Тембр

### Назорат саволлари

1. Томоша санъатларида овоз режиссёрининг вазифаси.
2. Кинода товушнинг ўрни.
3. Товуш турлари.
4. Овоз режиссёрининг замонавий ёзув техник анжомлари.

**2-мавзу: Очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси.**

Бизни ўраб турган товуш олами шовқинлардан иборат. Биз қаерда бўлмасимиздан қаътий назар – хонадами, кўчадами ёки бошқа жойдами шовқин бизни ўраб туради, у хаётимизнинг ажралмас қисмидир.

Хатто махсус студия учун қурилган хонада ҳам жуда бўлмаганда биз ўзимизни эшитамиз. Нафасимиз, кийимимиз шовқини, харакатимизни овозини. Инсон уни шовқин ўраб туришига одатланган.

Хозирги даврда жуда кўп ишлаётган техникалар, қанақадир харакатлар бизни ўраб туради. Бизга маълумки агар инсони умуман товушсиз хонага қирғизиб қўйилса у ўзини ноқулай сезади. Аксар холларда биз уйга келиб телевизатор ёки радиони қўшиб қўямиз. Бу уни кўриш ёки эътибор қилиб кўриш учун эмас, шунчаки хонада қанақадир овоз булиши учун. Шовқинлар инсоннинг эмоционал ҳолатига таъсир қилади. Масалан, синган ваза қўрқув, қушлар сайраши роҳат, ўт ўчириш машинасини товуши хавотир ва х.к.

Кино реал хаётимизни акси ҳисобланади. Шунинг учун унда шовқин бўлиши лозим. Томошабин бўлаётган ходисага ишониши учунуни эътиборини чалғитадиган ҳолатлар булмаслиги керак. Шовқинсиз унга нимадир етишмаётгандай бўлади ва экранда бўлаётган ходисага ишониш хисси пайдо бўлмайди.

Бугунги кино санаътини мусиқасиз тасаввур этиш қийин. Унинг қайси бир (бадий, ҳужжатли, илмий-оммабоп, анимацияли) турида бўлмасин мусиқага эҳтиёж кучли. Фильмнинг таъсирчанлиги бадий ифодалилиги унда ярграган мусиқага ҳам боғлиқдир. Фильмдаги мусиқа тасвир билан ўзаро мураккаб муносабатга киришади. Бу жараён асл мақсадидаги уйғунлашувга эришилса, демак постановкачи-режиссёр ўз ниятларидан бирига эришган, мусиқа ўз вазифасини аъло даражада бажарган, фильм драматургиясининг умумий тузулишига ижобий таъсир этган бўлади. Чунки тасвир билан уйғун ҳолда бирлашган мусиқа фильм мазмуни ва образларини чуқурлаштиради. Бундай мусиқа фильмга алоҳида муҳит, муаян лавҳалар, тасвирига кўтаринки кайфият, бош қаҳрамонга ҳис туйғуларга чуқурлик бағишлайди. Ниҳоят мусиқа фильмни миллий ҳислатлар билан бойитади.

Кино ва мусиқа ўртасидаги муносабатларнинг, уни фильмни муҳим бир элементи сифатида ишлатилишининг ўз тарихи бор. Кино нафақат ифодали сўзларга, шовқинларга, балки мусиқага ҳам муҳтож эди. Бунини кино санаътининг намоёндалари ҳам, овозсиз фильмлар намоёиш этиладиган кинотеатр эгалари ҳам яхши тушунишган. Ўша пайтларда дунёнинг барча кинотеатрларида экранга яқин лекин ундан пастрок жойда “тейпер” (созанда) пианино чалиб ўтирарди. Бу одам олдиндан фильмни бир кўриб чиққан ва фильм намоёиши чоғида воқеалар мазмунига мос оҳангларда (жўр бўлиб) мусиқа чалган. Турли мусиқалардан

танлаб олинган хилма-ҳил оҳангли парчалар созанданинг муסיқани қанчалик яхши билишидан ва дид-фаросатидан дарак берган. Кинода муסיқадан ижодий фойдаланиш муҳим таркибий қисмга айланиши учун муסיқанинг ўзи ҳам самарали раvнақ топиши лозим эди. Профессионал муסיқада – унинг симфоник, хор, кантата, оратория, кўшиқ ва бошқа жанрлари яхши қарор топмоғи лозим эди.

Кино шундай бир санъатки, унда драматургиядан келиб чиққан ҳолда муסיқанинг хоҳлаган жанрига эҳтиёж туғилади. Кинофильмдаги муסיқа унинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлибгина қолмай, у қаҳрамонлар образини гавдалантиришда жиддий драматургик восита ҳамдир. (Ж. Демининг “Шербург соябонлари”, Г. Александровнинг “Волга-Волга” фильмларини эсланг) . Й. Аъзамовнинг “Мафтунингман” муסיқали лирик комедияси (1959) нафақат жанри, балки унда жаранглаган кўшиқ ва муסיқалари билан ҳам ҳанузгача муваффақият қозониб келмоқда. Фильмнинг мазмуни муסיқа туфайли ўз мантикий яқунига эга. Мазкур комедияда муסיқа ёш қаҳрамонларнинг ҳис-туйғуларини ифодалабгина қолмай, шу қаҳрамонлар характерларини белгилашда ҳам муҳим драматургик восита бўлган. “Мафтунингман”даги куй-кўшиқлар шу жанрнинг дурдона намуналаридан бирига айланди. Композиторлар М. Левиев, М. Бурхонов ёзган муסיқалар бир томондан республикамизнинг энг нодир муסיкий анъаналарини ўзига сингдирган бўлса, иккинчи томондан ўзбек муסיқасини ўзига хос асарлар билан бойитган.

Тасвир билан муסיқанинг ўзаро боғлиқлиги – муҳим ва мураккаб вазифадир. Бу ҳақда қатор илмий ишлар ёзган С.М.Ейзенштейн – “муסיқасиз яратилган фильм муסיқанинг характери, кўлами ва вазифасини тўлақонли боса оладиган бадий кинематографик таъсирчанликка эга бўлиши лозим” деб ҳисоблаган. Демак, муסיқадан ижодий фойдаланиш, бевосита фильм савиясини таъминлар экан. Кинода ишлашни хоҳлаган композитор кино муסיқанинг ҳаммасини билмаса ҳам, унинг муҳим ва нозик томонларини билиши шарт. “Композитор фильмни бир кўриб олса бас. Тезда унга муסיқа ёзиб ташлайверади” дегувчилар хато қиладилар. Тинч ижодхонада ўтириб, фильмга муסיқа басталаш осон иш эмас. Композитор эркин мавзуга эмас, аниқ бир фильмга куй басталайди. Композиторнинг иш кўлами фильмнинг умумий драматургияси ва айрим эпизодлари, ўз характери-хусусиятларига эга қаҳрамонлари билан чегараланганлиги. Улар ўзининг аниқ муסיкий ифодасини танлаб қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Кинога муסיқани композитор ёзади. Қайси композиторни фильмга таклиф этиш, унинг олдига қандай вазифа кўйиш, ҳар бир аниқ ҳолатлар учун муסיқа характери ва унинг вазифасини белгилаш постановкачи-режиссёр зиммасида

бўлади. Шу боис, ўз мамлакатининг мусиқа маданиятини, композиторлари ижодини яхши билиш режиссёр учун жуда муҳим. Шунингдек, у композиторлар билан ишлаш, фильм ва мусиқа тайёр бўлгач уларни маҳорат билан синтезлаштиришдек касбий хусусиятларни тўла эгаллаган бўлиши зарур. Ушбу шартларнинг бирортаси бузилгудек бўлса, салбий натижа юзага келади. Масалан, фильмнинг драматургияси бўш бўлса ёки режиссёр мусиқадан ижодий фойдаланишни билмаса, тасвир билан композитор томонидан ёзилган мусиқа ўртасида узилиш содир бўлади. Ф. Ҳайдаровнинг “Гуноҳ-2” фильмидаги мусиқа ва кўшиқлар ана шундай муваффақиятсиз чиққан. Афтидан, режиссёр ҳинд мелодрамаларига тақлид этиб, қаҳрамон қиз ҳаётидаги у ёки бу ҳолатлар оқибатида туғилган ҳис-туйғуларни, изтиробларини кўшиқлар орқали мустаҳкамламоқчи бўлган. Умуман олганда фильмдаги кўшиқлар ижросига эътироз йўқ. Бу кўшиқлар Ш. Қиличева репертуаридан олинган ва фильмда унинг ўзи қуйлайди. Лекин, улар бош қаҳрамон ижросини (артист Й. Ҳамидова) тўлдирмаган. Кўшиқлар муаян драматургик вазифага эга бўлиши, маълум бир мазмун билан боғланиши учун режиссёр ҳеч нима қилмаган. Оқибатда улар оддий безак-концерт номери бўлиб қолган. Хатто ўша ҳинд мелодрамаларида ҳам кўшиқлар актёрлар ижроси мазмунидан келиб чиқади, куй-кўшиқ янграган мизансаҳна эса уни қувватлаб, тўлдиради. “Гуноҳ-2”нинг мусиқий камчиликларига эса кинода озми-кўпми ишлаб қўйган бастакор А. Эргашев эмас, режиссёр айбдор. Зеро, А. Эргашев турли жанрлардаги фильмларга анчагина мусиқа басталаб синовдан ўтган. Ҳар бир режиссёр ўзининг фильмида мусиқий образларни, сюжетларни бойитишини хоҳлайди. Агар сценарийнинг ўзи бўш ёзилган бўлса, бу ишни амалга ошириш қийин. Мабодо бундай фильмга истеъдодли композитор таклиф этилган бўлса, унинг мусиқаси маълум маънода фильмни қутқариш эҳтимолидан ҳоли эмас. 1956 йили Й. Аъзамов, М. Еленин, Г. Марьяновскийлар сценарийси асосида яратган “Гулбаҳор” фильмининг сюжет қурилмасида И. Акбаровнинг мусиқаси устунлик қилган. Мазкур вазият композитор мусиқани басталашда фильмнинг бутун мазмунига эмас, бош қаҳрамон – пианино чалувчи аёл образига таяниб иш кўргани туфайли юзага келади. Қаҳрамоннинг бахтиёрлиги, маънавий бойлиги, мусиқага бўлган муҳаббати, эрининг қистови билан севимли ишидан четлашуви унга туфайли чеккан кучли изтиробини уйғотиш И. Акбаровнинг ўйчан туйғуларга, юксак пафосларга бой мусиқада ёрқин ифода этилади.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан ўзбек бадиий киноси овозли бўлгач, фильмлардаги мусиқа қурама шаклида бўлади. Улар машҳур халқ куйларидан тузилган бўлиб, фильмдаги ролига келсак воқеанинг фони ёки шарҳловчиси вазифасини ўтаган. А. Усолсевнинг “Қасам”, М. Егоров ва В. Казачковларнинг



“Асал” фильмларида шундай бўлди. Композиторлар А. Князевский билан Е. Брусиловский бу фильмларда бўлган мусиқий заруриятни машҳур кўшиқлар ва халқ куйларидан олинган намуналар билан қондирганлар. Бу куй-кўшиқлар фильм мазмунининг муҳим белгиси бўлиб ҳизмат қилмасада, томошабинда маълум эмоционал кайфият уйғотган.

Н. Ғаниевнинг “Тоҳир ва Зухра” фильми ўзбек бадий киносида маҳсус мусиқа ёзилган биринчи асар бўлди. Бугунги кунда профессионал мусиқамизнинг ажралмас жанри бўлган ўзбек киномусиқаси тарихи айнан шу фильм билан бошланади. Н. Ғаниев фильмидаги мусиқа сезиларли драматургик вазифалари қатори умумий ғоя ва образларни ёрқин ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ўзбек халқ мусиқасини яхши билган композитор А. Козловский фильмга асосланган партитурасида ёзган. Халқ кўшиқларидан самарали фойдаланган. У кўшиқлардан бирини Зухра билан учрашувни кутаётган Тоҳир куйлаган. Нозик лирика билан суғорилган бу кўшиқда қаҳрамон ички оламида кечаётган ҳаяжонли ҳис-туйғулар мужассам бўлган. Кадр ортида айниқса, турли воқеалар моҳияти чертувчи ўтувчи янграган куйлар киши диққатини тортади. Бу оҳанглар экранда кечаётган воқеалардаги романтика ва қаҳрамонликни очиб беришди, қаҳрамонларга характерини яратишда, хатти-ҳаракатларини умумлаштиришда кучли эмоционал восита бўлиб хизмат қилган.

Хуллас драматургияга таянган ҳолда композитор уларнинг қаҳрамонларнинг образини яратган. Жумладан, буюк актёр А. Ҳидоятлов ижросидаги халқ қўзғолончилари раҳнамози Сардор образи фильмда қатъиятли, довюрак киши бўлиб гавдаланади ва унинг мусиқали образи қаҳрамонона оҳангларда берилади. Тоҳирга ёрдам бериш учун шошаётган Сардор бошлиқ отлиқлар тасвирланган кадрларда янграган оҳанглар, фильм сўнгида халқ куч-қудратининг халқнинг рамзи сифатида тушунилади. Қоработир образининг мусиқий ечимини яратиш композитор умумлаштириш йўлдан боради. Бу образга юкланган мусиқий мавзу унинг шахсий хислатларини ифодалабгина қолмай, ёвузлик рамзи бўлиб жаранглайди. Шу боис бу мусиқий мавзу Қоработир иштирокидаги кадрлардагина эмас, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш тасвирланган бошқа муҳим лавҳаларда ҳам (масалан, Тоҳирнинг қатл этилиши) янграйди.

Ушбу фильмда композитор биринчи бор киномусиқада контрапункт усулини қўллайди, режиссёр эса бу ажаойиб имкониятдан моҳирона фойдаланади. Мусиқа Тоҳир билан Қоработир ўртасидаги яккама-якка курашни, кескинликни шарҳламайди, балки тасвирий тизим мазмунини қарма-қарши (контраст) тасвирлаш орқали тантанали оҳангларда эзгуликнинг (Тоҳир) ёвузлик

(Қоработир) устидан ғалабасига ишора қилади. Фильмда драматургиядан келиб чиққан ҳолда бош қаҳрамонлар билан боғлиқ бир қанча мусиқий мавзулар бўлиши мумкин. Масалан, Н. Ғаниевнинг “Насриддиннинг саргузаштлари” комедиясидаги мусиқада учта мавзуга ўрин берилган.

Биринчиси бош қаҳрамон билан боғланган: “Зоғора” кўшиғининг ҳаётбахш оханглари композитор А. Козловский ва режиссёр томонидан комедиянинг бошланишидаёқ киритилган бу кўшиқ бош қаҳрамон томонидан куйланади. У комедия сюжетининг ривожига кўра ўзгарувчан ва албатта бош қаҳрамон Насриддин бор кадрларда пайдо бўлади. Иккинчи мусиқали мавзу Зулфи ва Умар ҳаётлари билан боғланган. Бу мусиқа икки ёш муносабатларидаги софлик, гўзаллик, нафосат талқинларини ифодаловчи лирик оҳанглардан иборат. Кўл хўжайини Оғабек образини ҳажвий чизгиларида ўйнаган О. Жалилов иштироки билан боғлиқ сахналарда комик эффектлар ёрқинлигига эришиш учун композитор бу қаҳрамоннинг характериға мос мавзусидан келиб чиққан ҳолда сатирик услубдан фойдаланилган. Тож-тахтга жон –жаҳди билан интилган Оғабек, шахзодани инс-жинслар эшакка айлантириб кўйганиға астойдил ишонади, эшакка ялтоқланиб унга мулозамат қила бошлайди, ўтакетган хасислигига қармай, унга ёқиш учун кўзаларини бирин-кетин синдириб ташлайверади. Ушбу кадрлар ортидан янграган мусиқа охангларида биз муаллифларнинг бу қаҳрамон тимсолида аҳмоқлик, фаросатсизлик устида захарҳандалик билан кулаётганини тушуниб оламиз.

Фильмда мусиқа икки турда – кадр ичидан ва кадр ортидан янграйди. Атамаларнинг ўзиёқ бундай мусиқалар фильмда қандай ўрин эгаллашини билдириб туради. Радио ёки телеэкранда янграб турган ҳар қандай куй, кўшиқ ёки бирор асар қаҳрамон айтиш мумкин бўлган кўшиқ кадр ичидаги мусиқа деб аталади. Бу мусиқа кўпинча қаҳрамонни, муҳитни характерлашға хизмат қилади, содир бўлаётган воқеа-ходисаға кайфият бағишлайди.

Кадр ортидаги мусиқа композитор томонидан фильм учун маҳсус ёзилган мусиқади. Бу турдаги мусиқа (алоҳида ҳоллардан ташқари) симфоник асосларда яратилиб, фильмда шарҳловчи сифатида намоён бўлиши мумкин. Унинг вазифаси эса сюжет ва қаҳрамонлар образларини ривожланишиға таъсир этишдир. Кадр ортидаги мусиқанинг ушбу вазифаси унда лейтмотив бўлгандагина рўёбға чиқиши мумкин.

Лейтмотивда фильмнинг драматургияси, ғояси ва режиссёрнинг фикр-ҳаёли туфайли дунёға келган энг асосий мелодия (куй) янграйди. Лейтмотив оҳанги илк бор фильм увертюрасида (мусиқали кириш)да янграб, бутун фильм давомида, такрорланиб борар экан энг муҳим эпизодлар мазмунини бойитади, томошабин қалбида у ёки бу ҳиссиётларни уйғотади. Американинг “Титаник” фильми бошида янғровчи кўшиқ (увертюра) унинг лейтмотивидир. Аксарият

сериаллар мусиқали увертюра билан бошланади ва улар фильм белгиси деб қабул қилинади.

Фильм мусиқаси кўпинча ижодкорнинг воқеаларга ва қаҳрамонларга бўлган муносабати белгиси бўлиб хизмат этади. Й. Розиковнинг “Воиз” фильмидаги кадр орти мусиқаси (ҳикоя қилувчи) бош қаҳрамон неварасининг ўз бувасига, у билан боғлиқ бутун воқеа-ходисаларга бўлган муносабатини аниқ ифодалаб беради. Д. Янов-Яновский мусиқасининг бошланишида биз кинояли оҳангларни эшитамиз ва айна пайтда айрим лавҳалар оҳангларида неваранинг бувасига нисбатан илк меҳри ва табассумини сезгандек бўламыз. Аста-секин фильмдаги мусиқа фожеавий тус олиб, бош қаҳрамонга нисбатан ачиниш ва ҳамдардлик туйғуларини уйғотади. Шу тариқа кадр ортидаги мусиқа фақат композитор томонидан ёзилгани учунгина эмас, балки фильм ижодкорларининг муносабати нуқтаи назарларини ифода этганлиги учун ҳам муаллифли саналади.

Муаллифларнинг фильмдаги воқеаларга, қаҳрамонларга бўлган муносабатлари кадр ичи мусиқасида ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Л. Файзиев 1953 йилда яратган “Бой ила хизматчи” фильмида композитор М. Бурхонов Гофир ва Жамила тўйи эпизодини тасвирлашда куй-кўшиқлардан фойдаланган. Айна шу мусиқа эрини сибирга сургун этиб, Жамилага уйланаётган бойни тўйида ҳам контраст тарзда жаранглайди. Тўй оҳангларининг қарама-қарши контраст тарзда берилиши қаҳрамон аёлнинг ғам-андуҳли ҳолатини, рўй берган ходисанинг фожеавийлигини оширади. Бунда мусиқа улкан руҳий умумлашма даражасига кўтарилган. Ушбу фильмда “Алла” кўшиғи икки бор жаранглайди. Лекин уларнинг ҳар бирида ўзига хос маъно мужассам. Гулбаҳор (Й. Абдуллаева) бола тебратиб айтган аллада оналик бахтига эга аёл қалби навоси таралса, боласи ўлдирилгани туфайли ақлдан озган Гулбаҳорнинг иккинчи алласи воқеанинг қанчалик аянчли ва қаҳрамон қисматининг нақадар фожеали эканлигидан далолат беради.

Кинодаги мусиқа кадр ичида ёки кадр ортида бўлишидан қатъий назар, фильмдаги синтезига қараб куйидаги вазифаларни бажаради: яъни сюжетда драматургик восита сифатида хизмат қилиши, қаҳрамонлар ҳис-туйғуларини очиш яъни актёр ўйинига ёрдам бериши, муаллиф қарашини ифода этиши, эпизодларни ўзаро боғлаши, имкон даражасида уларни миллий хусусиятлар билан тўлдириши мумкин. Фикр ва туйғуларни беришда ўзига хос воситаларга эга мусиқа томошабинга фильмни тўла тушуниб олишига ёрдам беради. Фильм мусиқасининг вазифавий кўлами, драматургия, унинг жанри, режиссёр ғояси билан боғлиқдир.

Жанр ҳақида гапирадиган бўлсак, масалан, детектив фильмларда сюжет ривожини кучайтирувчи кадр орти мусиқасидан кўпинча фойдаланилади. Фильмнинг таркибий қисми бўлган мусиқа, унинг жамики тасвирий воситалар

синтезига, фильмнинг образли қурилмасига, ўз ҳиссасини қўшади, моҳиятининг чуқурлашувига таъсир этади, умумлаштирмалар томон еттаклайди. Умуман мусиқасиз ҳам фильм яраца бўлади. Бу ҳолда ҳаммаси сценарий муаллифи, режиссёр қарашларидан келиб чиқади. Бундай йўл онгли равишда танланади.

Япон режиссёри К. Синдонинг “Ялонғоч орол” фильмида нафақат мусиқа, балки диалоглар ҳам йўқ, бўлса ҳам улар бир неча лукмадангина иборат. Фильмнинг бутун мазмуни, теран ғояси актёрларнинг ифодали ўйинлари, оғир шароитда яшовчи оила ҳаёти ҳақида шошилмай сўзлаб беришлар орқали яратилади.

Шундай қилиб, мусиқанинг кинодаги роли улкандир. У режиссёрнинг нияти ва уни қандай талқин этилишига боғлиқ. Мусиқанинг фильмдаги ўрни, савияси композиторга қанчалик боғлиқ бўлса, фильмнинг ифодалилиги ҳам унга шунчалик даҳлдордир. Мусиқа, фильмнинг кинематографик ифодавийлигини таъминловчи тенг ҳуқуқли компонент сифатида унинг таркибига киради. Мусиқа кинода эмоционал таъсир воситаси сифатида жуда муҳим рол уйнайди. Ундан фойдаланиш вариантлари эса жудаям кўп. Уларни кинодраматургия нуктаи назаридан таҳлил қилинмаса, барча вариантларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Кадрдаги мусиқа (товуш манбаи бу оркестр, солист, маиший техникалар ва х.к.) ва кадр ортидаги мусиқа (сахна харакатини мусиқий безаш) ўз навбатида ижро харакатига қараб бу турли составдаги оркестрлар бўлиши мумкин. (Симфоник, эстрада, миллий чолғу) инструментал ёки вокал ансамбллар, солист, шовқин мусиқа.

Эпизоднинг кадрдаги мусиқаси юкори даражада ишонарли ва реал бўлиши керак. Замонавий кинематография кўп каналлилигини ҳисобга олган ҳолда ансамбль ёки оркестрни яхшилаб инструментровка қилиш ва овозни яхшилаб ёзиш лозим. Бундан ташқари оркестрни жойлаштириш, солистларни жойини алмаштириш кадрдаги тасвир билан мос келиши керак. Товуш планларини ҳисобга олиш лозим.

Фонограмма иккита вариантда ёзилади. Биринчиси бутун мусиқий маълумотни уз ичига олади ва моно ёки стерео тарзида сведение қилинади ва тасвирга олиш жараёнида ижрочилар уни эшитиб чалишади. Ёки харакат қилишади. Перезапис учун эса кўп каналли технология буйича умуман бошқа фонограмма сведение қилинади. Шунда дейлик, солистни алоҳида товуш каналига йўллаб уни қўшимча панорама қилиш имконияти яратилади.

Товушларга ишлов бериш (акустик ёки хар хил эффектлар) асосан перезапис вақтида қилинади бошқа овоз компонентларини ҳам ҳисобга олган ҳолда (реплика, шовқин, пауза). Мусиқа шовқинлар билан қаторда “кадр ортида”, “кадр ичида” телевизион “отбивка” ва “заставка” каби шакллар кенг ўрин олган. Шовқин ва мусиқани ифода воситалари бир бирига яқин бўлгани

саббли кинематография, радио сўнг телевиденияда уларни бадий бирикмаси асосида юзага келган янги ходиса – шовқинли мусиқа дунёга келди.

Шовқинли мусиқа ўз ичида аниқ, реал ҳаётда мавжуд бўлган товушларни ўзига қамраб олади. Уларни ўзаро бирикмаси, солиштирилиши, синтезатор орқали трансформация қилиниши эвазига ғайри оддий эффе́ктлар қўлланилади. Бу борада концерт ижрочилик амалиётида бундай ёрқин мисоллар мавжуд эканини таъкидлаш лозим. Шовқинли мусиқа телевизион кўрсатувни ўзига ҳос товушли ечимини таъминлаб беради. Олдиндан ёзиб олинган шовқин ва муסיқий парчалалар маълум тезлик, баландлик ўзигариши асосида тубдан янги товушли ассоциацияларни яратишга қодир. Телевидение амалиётида бу борада композитор-авангардчилар ижоди алоҳида қизиқиш марказида туради. (Булез, Варез, Ксенакис, Ноно, Штокхаузен, Кейдж ва б. шулар жумласидан). Мазкур композиторларни асарларида аниқ ифодали куйлар кам ўрин олган бўлиб, турли ғайри оддий чолғулар, шоқинларга ўхшатиш асосида йирик буёқлар ёки шовқинлар кетма-кетлиги кўз олдимизда гавдаланади. (Бу борада Луиджи Нононинг “19 шовқин чолғулари” учун тўртта асарини эслаш жоиз).

Маълумки, шовқинли мусиқа ўзини дасталабки шаклланиш ва ривож топиш босқичида кескин танқид қилинган бўлса, радио, кино ва телевидение пайдо бўлиши билан эфир асарларида мустаҳкам ўрни ва мавқеига эга бўлди. Биринчи алда ахборотни бош ғоясини визуал қаторда жамлаган телекўрсатуларда ундай асарлар атроф муҳит, қахрамонларни ички олами ва дунёсини акс этишда муҳим ўрин тутди. Турли жанрга мансуб кино ва теледастурларни таҳлили, уларни тизим ичида ўрни ва эгаллаган мавқеи нуқтаи назардан мусиқани асарда турли вазифаларни амалга оширишга қодирлигини кўрсатади:

- Телекўрсатув ёки радиоёшиттиришнинг драматургик конструктив тузилишига таъсир қилиш;
- Бўлажак ҳаракат воқеиликлаини олдиндан белгилаб, у ҳақда хабар бериш;
- Бўлаётган жараён ёки воқеиликнинг эмоционал шиддатини ошириш.
- Персонажнинг ички рухий ва эмоционал ҳолатини белгилаб бериш.
- Қахрамонларни ўзаро муносабатини ойдинлаштириш.
- Давр колоритини таъминлаш.
- Бўлаётган воқеа ва ҳаракат ҳолати ва кайфиятини очиб бериш.
- Ўз зиммасига ички монологи вазифасини олиш.
- Тасвирий қаторнинг мазмун моҳиятини ўзгартириш.
- Муаллифлик (режиссёр) позициясини очиб беришга кўмаклашиш.
- Бошқа воситалар билан очиб бераолмайдиган қирраларни эмоционал ҳолатда ифодалаб бериш.

- Студия шароитида айтиб бўлмайдиган нарсаларни “пинҳон тўлдириш”.
- Кадрдаги ҳаракатни қувватлаш.

Музыка бир қатор эмоционал хусусиятларга эга бўлиб улар ифода воситалар ёрдамида кадрда амалга оширилади: тембр, темп, динамик воситалар, регистр, фактура, ритм ва б. Эфир дастурларида улар экраннинг воситалари таъсирида бир мунча ўзгариб боради. Масалан лўндалик, музикавий лавҳаларни оҳанг тизимининг йигиндилари ихчамлиги асардаги ҳаракатлар қисқариши билан боғлиқ бўлади. Шу боис, мавзу ўрнида нафақат ёдда қолувчи ёрқин куй балки айрим аккорд изчилликлар, музикавий-шовқин эффектлари ишлатилиши мумкин бўлади. Бу борада маълум маънода киномузыка ва тельефильмлар учун музика яратилиши орасида маълум маънода тенглик белгисини ҳам қўйиш мумкин.

Телевидениенинг бадиий шаклларда музикавий элементларни қўллаб ишлатилиши кичик экран унсуридан келиб чиққан ўзининг аниқ кўриниши, сериаллик деб олинган бадиий образнинг баёнотли асоси, йирик планларни кенг ишлатилиши, қабул қилишнинг камер яқинлик усул ва бошқалар.

Ўзбек телевизион ва радиосериалларда алоҳида ўрин бадиий- ифодавий аҳамиятга эга бўлган лейтмотивга ажратил. Лейтмотив тизими операда пайдо бўлиб, сўнг кинематограф ва ундан кейин янги талқинда телевиденияда ўрин тутди. Катта телевизион ва радио сериалларда музикавий лейтмотив жуфтли вазифани амалга оширади: бош ғояни очиб бериш, шунингдек, интеграция яъни шакл даражасида барча серияларни бадиий яхлитлик даражасига бирлаштиришдир.

Албатта кино шовқинсиз бу тўла қонли кино бўлмайди. Шовқин кинога нафақат реалликни беради балки уни эффектли бўлишини таъминлайди. Битта сахнани уни характериға ёки кайфиятиға қараб шовқини ёки музикасини ўзгартириб турлича кўринишда қилиш мумкин. Масалан, чекка қишлоқда қиш сахнаси. Буни албатта кўрқинчли қилиш учун фақат музикадан фойдаланиш мумкин, лекин изғирин шамолни кўшсак совуқни тасвирлаш, бўрини увилашини қўшиб дахшатли, қорда оғир оёқ товушини қўшиб таҳликали қилиш мумкин. Лекин худди шу сахнани музикасини ўзгартириб, бошқа товуш қўйилса маъно жиҳатидан умуман бошқа кўриниш қасб этади. Масалан, шамолни енгилроғи қуйилса, узоқдан одамларни шўх овозлари, болаларни қорбурон ўйнаши кўрқинч ҳиссини йўқотади.

Фильмда шовқинлар тасвирға олиш жараёнида эмас, кейин, студияда ёзилади. Шовқинни ёзиш учун студиядаги энг яхши микрофонни танлаш керак. Баъзида кам бюджетли телесериалларда шовқин тасвирға олиш жараёнида ёзилади. Бадиий фильмларда эса нафақат бизда, ривожланган Голливуд

кинокомпанияларида ҳам бу жараён студияларда амалга оширилади. Бу ишни махсус мутахассис (шумовик) бажаради. У актёр ҳаракатланаётган экранга қараб унинг ҳар бир ҳаракатига овоз беради.

Съёмка жараёнида шовқинларни синхрон ёзиш энг мукаммал техника билан ҳам мумкин эмас. Тасаввур қиламиз актёр хонага кирди, стулга ўтирди, столдаги бутилкани олди ва стаканга сув қуйди. Агар бу бирданига ёзилса ҳам оёқ товуши, кийимларни шитирлаши, ўтириладиган стулнинг овози ҳам қуйилаётган сувнинг товуши битта трекка ёзилади. Бу албатта кам бюджетли телесериалларда мумкиндир, лекин идеал тозалик ва товуш баланси талаб қилинидиган катта киноларда асло мумкин эмас. Айнан мана шу товуш балансининг устида ишлаш имкониятини яратиш учун катта меҳнат сарф қилиниб булар павильонларда ёзилади. Юқорида келтирилган мисолда эса оёқ алоҳида, кийим алоҳида, стул ғижирлаши алоҳида, сув қуйилиши алоҳида ёзилади. Овоз режиссёри бунда бир неча трекларга эга бўлади ва уларни картинага қараб балансини ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Дейлик, оёқ товушини пастроқ сувни эса баландроқ ёки аксинча, сувни пастроқ оёқни эса баландроқ. Бу албатта оддий мисол, умумий тушунча хулоса шуки ҳар бир овоз алоҳида ёзилади ва перезапис жараёнида баланс қилинади.

Синхрон шовқинларни ёзиш – бу алоҳида билим талаб қилинадиган касб. Масалан, студияда қорда юриладиган оёқ товушини ёзиш учун крахмалдан фойдаланилади. Латтага ўралган крахмал қўлда сиқилганда қорни товушини беради, ёки машинанинг чарм курсисига ўтиришни кичкина чарм бўлагини қўлда сиқиш натижасида ҳосил қилиш мумкин, бундай мисолларни минглаб келтириш мумкин.

Шовқин ёзишнинг энг осон усули экрандаги предметнинг ўзидан фойдаланиш, коптокнинг товуши, ёки клавиатура товуши, чойнак пиёла ва ҳ.к лар. Агар экрандаги предметни топиш ёки умуман студияда ёзиш имкони бўлмаса, уни алмаштириш керак бўлади. Масалан, суякнинг қисирлашини чиқариш учун микрофонни олдида макарон синдирилади. Муштнинг зарбаси учун гўштга урилади ва ҳ.к. Албатта бунда шовқин мутахассиси ва овоз режиссёридан эшитиш қобилияти ва катта малака талаб этилади.

### **Сунъий шовқин ишлаб чиқарувчи аналог ва рақамли синтезаторлар**

Кино ишлаб чиқаришда шовқинлар турли кўринишга эга. Булар Кадр ичида: Булар кадрдаги ҳаракатга қараб ёзилади. Одатда улар тасвирга олиш жараёнида синхрон ёзилади ёки кейин студияда алоҳида ёзилади. Кадр ортидаги бу кадрдан ташқаридаги шовқинлар, синхрон ёзиш бу шовқинлар учун муҳим эмас. Масалан актёр ўз дўсти билан гаплашиб эшик томон юради лекин эшик

кадрда эмас кадрда унинг дўсти қолади эшик ёпилиши эса бизга эшитилади. Бу кадр ортидаги шовқин дейилади.

### Ҳаракатдаги шовқинлар

Мураккаб овозга эга бўлган шовқинлар тоифасига кирувчи овоз фактуралари: турли двигателларнинг ишлаши, хилма-хил техникаларнинг ишлаши (автомобиль, танк, самолёт, ракета ва х.к) табиат ходисалари (денгиз овози, шамол, момоқалдирак) ва бошқалар. Акустика Мусиқа ҳақидаги фан. Мусиқий акустика акустиканинг ёъналишларига кирмайди. Шовқин 20 Гс дан паст бўлган частоталар. Инфратовуш-20 000 Гс дан юқори бўлган товушлар. Ўртача ҳароратда ҳавода товушларнинг тарқалиш тезлигини 100 м/с. Товуш тарқалиши мумкин бўлмаган маконни Дарахт ва унинг ён бағирлари

Ҳаракатдаги шовқинларни ёзиш учун албатта стерео микрофонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда моно товушни оддий томошабин ҳам осон илғаш мумкин. Уни псевдостереога айлантириш эса жуда қийин. Кўпинча фақат битта дубл олиш имкони бўлиши мумкин шунинг учун турли нуқталарда микрофонлар жойлаштирилади ва энг яхши вариантлари танлаб олинади.

**Фоной шовқинлар** ўз номидан унинг вазифаси бизга аён бўлади. У ўз фактурасининг аниқ ифодаси билан ажралиб туради. Булар: шаҳар фони, ўрмон фони, катта йўл фони, поезд фони ва х.к кадрдаги ҳаракат овозини биз аниқ кўрамиз ва эштамиз. Фонда эса бу иккинчи пландаги овоз бўлиши мумкин. Буларни синхрон бўлиши шарт эмас. “Товуш”- овуш бу қаттиқ маконда пайдо бўладиган ҳаракатлар. товуш қабул қилгич, механик товушларни электр товушларга айлантириб берувчи-Колонка

Ҳозирги даврда фоной шовқинлар асосан стерео кўринишда ёзилади. Бундай шовқинларнинг ўзига хослиги уларда конкрет ёки қайтарилаётган товушларнинг ёъқлиги. Ҳозирги кўп каналли кинематографияда бу тез сезилади ва томошабиннинг ғашини келтиради. Кадр ортидаги ва фоной шовқинларнинг узунлиги жуда муҳим рол ўйнайди. Агарда товуш кадрда ва синхрон бўлса биз уни нималигини дарров англаймиз. Гиперкардиоида-микрофон ёъналтирилишига кирмайди

Масалан кадрда милтиқ отилди. Бир секунд ичида ҳам биз милтиқ отилганини англаймиз. Лекин дейлик, актёр хонада ўтирибди, ташқарида узоқда милтиқ отилди. Бу энди бир шохни синишига ёки бирор бир предметнинг тушиб кетишига ўхшаш овоз ҳам бўлиши мумкин. Кадр ортидаги товуш томошабинга тушунарли бўлиши учун у узоқроқ янграши керак. Баъзида фоной шовқинлар ҳам ҳаракатдаги шовқинлар каби синхрон бўлиши мумкин. Масалан, заводда фильм қаҳрамонлари учрашадилар. Кадрда станоклар ишлаб турибди, албатта умумий кўринишда уларнинг ишлаши синхрон бўлмаслиги мумкин, лекин яқин



планда овозрежиссёри уни синхрон булишига эътибор бериши керак. Бир томонлама ёъналтирилган Бир-бирига тўғрима-тўғри ўтирган икки кишининг суҳбатини ёъиб олиш учун қандай ёъналтирилишли микрофон. “Саккиз” ёъналтирилиши-Микрофоннинг қайси ёъналтирилганлиги схемаси жихатдан юрак шаклини эслатгани учун номланган. Кўмирли-Электромагнит индукцияси ходисаси ишлатилинадиган микрофон. овуш тўлқинлари таъсири остида конденсаторларнинг сифими ўзгариши хисобига ишлайдиган микрофонлар-Индкусионли

### **Видео қаторга шовқин ёрдамида ўзгача маъно бериш.**

Товушнинг тасвир билан мос тушиши бу бадий жихатдан жуда муҳим саналади. Масалан, бизга маълум бўлмаган бирор товуш. Бу товушни чиқараётган предметни кўрсатмасак томошабин буни нималигини тушунмайди. Кўрсатилган тақдирдагина томошабин тасавурида товуш ва куриниш боғланади. Албатта бунда кино ижодкорлари у ёки бу товушни қаҳрамоннинг ҳаракати билан боғламоқчи булсалар булар қўлланилади. Масалан қаҳрамонни оёғида этик у янгилиги учун ўзига хос ғирчиллаган овоз чиқаради. Бу кинода қандайдир маъно касб этади. буни тушунишимиз учун уни бир кўрсатиб ўтиш лозим. Дейлик павильонда тасвирга олиш жараёни ерда бутафор асфальт ётқизилган, лекин биз кадрда кўчани тасаввур қилишимиз керак. Шунда товуш ёрдамга келади. Овоз бериш жараёнида биз асфальтда юриб бу тасаввурни ўйғотаемиз. Яна турли реверберациялар ёрдамида товушларга қайта ишлов берилади. Микрофоннинг сезувчанлиги лотин алифбосининг қайси харфи билан яни А

### **Шовқин ёрдамида вақт ва жойни белгилаш.**

Шовқин ёрдамида экрандаги тасфирни вақт ва жойини аниқлаш мумкин. Қайси сутка, йилнинг фасли, ўн йилликлар ва эпохани. Оддий соатлар ҳар бир даврда турлича чиқиллаганлар. Уларни эшитиб фильм қайси замонда олинганини билиб олиш мумкин. Муаззиннинг азонини ёки черков қўнғироғини эшитиб биз фильм лавҳаларини жойини билиб олишимиз мумкин. Электр КАбель-Электр сигналларни акустик сигналларга айлантириб берувчи восита.

Агар шаҳар ва кишлоқларнинг товушига эътибор берсак биз уларни эрталабги ва кечги товушлари фарқ қилишини билиб оламиз. Автомобилларнинг кундузги овозлари кечгисига ўхшамайди. Ўрмон ва далалар йил фасллари ичра турли ҳаёт билан яшайдилар. Ёзда далаларда чигиткаларнинг овози, бошоқларнинг шитирлашини эшитсак, эрта кузда кишлоқ техникасини шовқинларини эшитаемиз, кеч кузда эса ёмғир, ҳар замонда бирор қушнинг

сайрашини эшитишимиз мумкин. Бунга ўхшаш ҳодисалар ҳаётда жуда кўп. Микшер пульталарини-Ўтказгич. Шовқинли жойда бир кишининг интервьюсини ёзиб олаётганда юмалоқ ёъналтирилганликдаги микрофон танлаш

